

Сайлов сийлов эмас

Сайлов бу ишонч, интилиш муштарак мақсадлар йўлида ёшларни бирлаштириш, фаоллик, ташаббускорлик ва ташкилотчилик демакдир. Шунчаки сийлов эмас, балки синовдир бу.

2018 - йил 29 - сентябр куни 1- маъруза залида “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факултети Ёшлар етакчилиги сайлови бўлиб ўтди. Сайловни факултет декани Б.Норов очиб берди.

Сайловда ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О. Рўзибоев ва институт “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти етакчиси А.Бердимуродов ҳамда факултетда таҳсил олаётган академик гуруҳлар “Ёшлар иттифоқи” етакчилари ва талаба ёшларнинг 83 нафари иштирокида “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факултетининг Ёшлар Кенгаши ҳисобот-сайлови йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда факултет декани Бегмат Норов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 - йил 5 - июлда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва 2017-йил 18 - июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чоратадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори мазмун - моҳияти, шунингдек, ўтган ўқув йилида факултетда амалга оширилган ишлар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Бугунги кундаги яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, талabalарни бунданда фаол бўлишга чақирди.

Йиғилишда шунингдек, институт “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти фаоли, сайлов комиссияси аъзоси Ф.Юсупов сўзга чиқиб сайлов комиссиясига келиб тушган аризалар асосида, факултет етакчилиги вазифасини бажариш учун З нафар номзодлар рўйхатини ўқиб эшиттириб, иштирокчиларга муваффақият тилади. Шундан сўнг номзодларга очиқ овоз беришларини таъкидлаб ўтди. Номзодлар ўз сайлов-олди дастурлари билан йиғилганларни таништириб ўтишди.

Сайлов натижасига кўра, факултетнинг 2-курс талабаси Темиров Сухробжон Шохмардон ўғли факултет “Ёшлар иттифоқи” етакчиси этиб сайланди. Тегишли баённомалар тўлдирилди ва институт ёшлар иттифоқи БТ Кенгашига тақдим этилди.



**“Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факултети ёшлар билан ишлаш бўйича
декан ўринбосари Рўзибоев Ортиқ ахбороти**

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов